

Саъдулла Сиёев

# Магарр





Саъдулла Сиёев

Мазару



Тошкент  
«O'ZBEKISTON»  
2018

УЎК 821.512.133-3  
КБК 84(5Ў)6  
С 53

Ёзувчи Саъдулла Сиёев ўзининг қатор асарлари билан китобхонларга яхши ганиш. Унинг «Аҳмад Яссавий» романи ўқувчилар қалбидан чуқур жой эгаллади. Мазкур асар турк ва уйғур тилларида ҳам чоп этилган.

Қўлингиздаги ушбу китобга адибнинг буюк шоир ва ёзувчилар ҳаётидаги ажойиб воқеалар ҳамда «Тазарру», «Хурматли ўрток рафиқам», «Меҳмондан пул олмаймиз» каби инсонийлик, садоқат, меҳру мурувват, муҳаббат сингари қадриятларни эъзозловчи юморга бой ҳаётий ҳикоялари киритилган.



*Устозлар ёди*



---

## ЗИЁРАТ

Ғафур ака Хоразмга сафар қилди. Уни Хевага олиб бордилар, осори атикаларни кўрсатмоқчи бўлдилар. Хоразм тарихининг билимдони, сўзамол ва қувноқ Собиржон Юсуповни шоирга йўлбошловчи қилиб беришди.

Собиржон ака шоирга Ичон қалъани бир чеккасидан кўрсатиш ниятида олдинга тушди.

– Ғафур ака, сафаримизни хонлар саройидан бошласак, нима дейсиз?

Ғафур Ғулом кўнмади.

– Йўқ, аввало, Пурёйвалийни зиёрат қилайлик, – деди у бош чайқаб, – аввал шоирларга, ундан кейин подшоларга салом берилади. Шарқнинг удуми шу.

Ўз даврининг Хайёми сонийси деб ном чиқарган зукко шоир Паҳлавон Маҳмуд мақбараси томон юрдилар. Ғафур ака атрофга ўйчан бокиб, ниманидир пичирлаб борарди.

Паҳлавон Маҳмуд сағанасига кираверишда Ғафур ака бир лаҳза тўхтаб қолди, негадир дўпписини айлантирди, сўнг охиста ичкари ўтди.

Нақши-нигорли қабр тоши олдида ҳам у узоқ сукут саклаб турди. Сўнгра тиз чўқди, кафтлари ила қора кошларини силади ва уҳ тортиб деди:

– Шоирнинг қабри мана бунақа бўлади, мулла Собиржон!

Собиржон ака баъзи бир сийқақалам соҳибларини назарда тутиб, илжайди.

– Шоир ҳам мана шунақа бўлади-да, Ғафур ака...

Ғафур Ғулом индамади. Унинг кўзларида ёш йилтирарди.

## ТОМГА ЧИҚИНГ, ШОИРИМ

Ғафур Ғулом Фарғона водийсини яхши кўрарди. Бунинг бир неча сабаби бор эди. Аввало, Фарғона шоирнинг илҳомини келтирадиган гўзал юрт, қолаверса, водий тарафларда Ғафур аканинг Анисий, Махжурий, Улфат, Чархий, Боқир сингари дил маҳрамлари бор. Улар билан ҳар замон суҳбат қуриб, кўнгил чигалини ёзмаса, Ғафур Ғуломдек бесабр, бесаранжом ва одамсевар киши танасига сиғмай кетарди. Бунинг устига, Ғафур ака Қўқонга куёв ҳам эди. Куёв бўлганда ҳам эрка куёв, тантиқ куёв, барчани оғзига қаратиб, ўзи завқ оладиган қувноқу доно почча эди. Шунинг учун Ғафур Ғулом Қўқонга, умуман, Марғилону Андижону Наманган мавзеларига тез-тез қадам ранжида қилиб турарди.

Бу сафар ҳам Фарғонага отланар экан, қабатига жон дўстлари Ҳабибий домла билан Собир Абдуллани олди.

– Учта оқсоқолга битта ёшроқ дастёр ҳам керак, Ғафур, – деди Собир Абдулла, – йўлда ҳам, Қўқонда ҳам қўлимизга сув қуйиб турсин. Шогирд болалардан топ.

– Тўғри айтасан, – деди Ғафур ака дўпписини айлантириб, – носқовоқ узатадиган бир слоёк ҳам керак. Хў-ўш, кимни обкетсак экан-а, Собиржон?

Маслаҳат қилиб яхши шоир, мўмин-қобил йигит Пўлат Мўминни ҳамроҳликка танлашди. Ғафур Ғулом Пўлат акани чақиртирди.

– Сенинг елкангга тарихий бир миссия тушди, – деди Ғафур ака одатдагича мутойиба билан, – замонамизнинг учта улуғ шоирини Хўқанди латифга кузатиб бориб келадиган бўлдинг. Бундан кейин, Ҳабибий бошлиқ Ғафур Ғулом билан Собир Абдулланнинг жони сенга омонат. Эрта ўтиб, индин йўлга чиқурмиз. Ҳозирлигингни кўравер, укагинам!

Пўлат ака ҳаяжондан ҳанг-манг бўлиб қолди. Шундай учта аллома Пўлат Мўминдек ёшгина шоирни назарга илиб ўзларига сафардош қилибди-ю, қувонмай, фахр этмай бўладими?

Икки кундан кейин улфати чор бўлиб йўлга тушдилар. Кўкон вокзалида уларни шаҳар раҳбарлари, институт домлалари, шогирдлар, адабиёт мухлислари кутиб олишди.

Азиз меҳмонлар шаҳар ташқарисидаги махсус қароргоҳга жойлашдилар. Икки кун Кўконда ва Кўкон атрофидаги туманларда машҳур шоирлар билан учрашувлар бўлди. Учинчи куни Ғафур акаларни Чархий домла меҳмонга чақирди. Чархий Муқимий билан Завқийнинг издоши, Ғафур аканинг азалий қадрдон дўсти эди.

Ғафур ака Ҳабибий домлани халфа, яъни етакчи деб иззатларди. Меҳмонлар Ҳабибий халфага эргашиб, Чархий домланикига кириб бордилар. Шеърхонлик бўлди, Ғафур ака дугор чертиб, халқ термаларидан айтиб берди, Чархий янги битган ғазалларидан ўқиди. Хуллас, жон дўстлар суҳбати хуфтонгача давом этди. Ётдилар.

Ғафур ака сахархез эди. Ҳаммадан бурун уйғониб, ҳовлида айланиб юрди. У эрталабдан бир мириқиб кулишиб олгани баҳона изларди. Ғафур ака табиатан ҳазилқаш, ҳозиржавоб эди. У кишининг шумликлари, беозор ҳазиллари тўғрисида шоирлар орасида ривоятлар юрарди.

Чархий домла аллақачон туриб, Кўконнинг машҳур калла-почасини олиб келгани бозорга кетган эди. Бирин-кетин Ҳабибий домла билан Собир Абдулла ҳам уйғондилар. Лекин, Пўлат Мўмин, ҳали ёш эмасми, ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. Ғафур ака ўчоқ бошида мастава пишираётган йигитни имлаб чақирди.

– Ўғлим, анави шотини томга тираб қўйсангиз, илтимос. Кейин тепага офтоба, сочик, бир қумғонда сув чиқариб қўйинг. Бизнинг укамиз тоза ҳавода ювинмоқчи экан, уқдингизми? Ҳа, айтганча, офтоба ёнига оз-моз сув ҳам сеппиб қўйинг-а?

Йигит «хўп» дея, куллук қилди. Ҳабибий домла билан Собир Абдулла Ғафур энди нима қилар экан, дегандек илжайиб туришибди. Ғафур ака Пўлат Мўминнинг тепасига

борди. Ёз чилласи, Пўлат ака чорпояда роҳат қилиб ухлаб ётарди.

– Хўв, жигарим, тура қол, – деди Ғафур ака. – гуппидек бўлиб ётаверасанми? Туриб юз-қўлингни юв, ана, Чархий калла-поча олиб келди.

Пўлат Мўмин кўзларини ишкаб уйғонди, кийинди. Кейин, қаерда ювинаман, дегандек атрофига аланлади.

– Бўла қол, болам, – деб уни қистади Ғафур ака, – томга чиқиб ювиниб туш, мастава совиб қолади.

Пўлат ака ажабланиб нарвонга қараб қўйди.

– Қўқоннинг таомили шунака, – деди кулмай-ёнмай Ғафур ака, – бир уйга меҳмон келса, кўни-қўшнилар уни албатта кўриши керак. Шунинг учун меҳмон том бошига чиқиб ювиниб тушади. Бу мезбоннинг иззати, билсанг. Бўла қол, ҳаяллама!

Пўлат ака иккиланди. Ғафур ака Собир Абдуллага ўғирилди:

– Мана, Собир қўқонлик, ўзи айтсин, гапим тўғрими, йўқми?

Собир ака кулгисини аранг тутиб турарди, аста бош қимирлатиб қўйди.

– Томга чиқмасангиз Чархий домланинг кўнглига келармикан, Пўлатвой, – деди Собир ака. Пўлат Мўмин ноилож нарвонга яқинлашди. Аста-секин томга ўрмалаб чиқди. Қараса, қумғон, сочиқ, офтоба турибди. Атрофга сув сепилган. «Э, мендан бурун устозлар ҳам ювиниб тушган экан-да», деди ичида Пўлат ака ва билагини шимариб юз-қўлини ювишга тутинди. Кўчадан ўгаётган одамлар сахарлаб том бошида ювинаётган кишига кулумсираб боқишар, анави афандини қаранглар, дея учирик қилишарди. Пастда бўлса, то Пўлат Мўмин ювиниб тушмагунча қаҳқаҳа тинмади.

Нонушта қилиш учун дастурхон атрофига ўтирдилар. Ғафур ака Пўлат Мўминнинг елкасига қоқиб қўйди:

– Бўлди, жигарим, сен синовдан ўтдинг. Энди сени ўзимизга главний дастёр қилиб оламиз!



## АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ АЛЁР АЙТГАНИ

Олтмишинчи йилларнинг ўртаси. Радиода ишлайман. «Ёшлик» радиостанцияси энди ташкил этилган пайтлар. Раҳбаримиз – Рустам Раҳмонов. Раҳматли куюнчак инсон эди, лекин бировга озор бермасди. Бирон нарсадан ранжиса ё кўнгли тўлмаса, биз ёшларни ҳам эркалаб «шунақа эмасда, энди, ака» деб қўярди.

Бир куни Рустам ака дам олгани Дўрмонга чиқиб кетди. Дўрмон у пайтлар жуда обод эди. Ёзувчиларнинг бу ижод боғи баҳордан то кузгача гавжум бўларди. Бу ерда Миртемир, Шайхзода, Иззат Султон каби адабиётимиз оқсоқолларини ҳам, энди атак-чечак қилиб адабиётга кириб келаётган ёшларни ҳам учратиш мумкин. Айниқса, ёз фаслида Дўрмоннинг ғир-ғир шабадаси, оқар сувлари истаган кишини соҳирадек ўзига чорларди.

Шанба келиши ҳамон Рустам аканинг ортидан Дўрмонга қараб югурдик. Бизни боғ сайридан кўра устозларнинг ажойиб-ғаройиб хангомалари кўпроқ қизиқтирарди.

– Зап вақтида келдингиз, – деди Рустам ака мени кўриб, – бозорга тушадиган одам тополмай турувдим. Бугун бир ошхўрлик қилайлик. Мана бу пулни олинг-у, бозор қайдасан, деб зинғилланг, ака.

Битта бозор кўрган ошнамни ёнимга олдим. Ҳаш-паш дегунча Қибрайдан ошнинг харажатини қилиб чиқдим. Рустам ака асли андижонлик эмасми, яхши пазанда эди, паловхонтўрани-ку, йўрғалатиб юборарди. Ҳазил-хузул билан бирпасда сабзи-пиёзни тўғраб ташлади. Биз ўчоққа ўт ёқиб, ўша машҳур арғувон тагига жой қилдик.

Ошхўрларнинг кимлиги ҳозир ёдимда йўқ, ҳар қалай, аксарияти оқсоқоллар эди. Рустам ака дамтовокни бостиргач, одатдагидек, мутойиба аралаш деди:

– Мен шақароб тайёрлаб турай, унгача сиз бир укам бўлинг-у, Абдулла акани ошга айтиб келинг.

Юрагим шиғ этди. Рустам ака Абдулла Қаҳҳорни чақириб келинг, деётган эди! Қаҳҳор домланинг ховлиси

шундоқ рўпарада, эллик қадам ҳам чикмайди. Аммо... Абдулла Қаҳҳорни ошга айтиб боргани ким бетлайди. У кишининг қўлини олиб, юзига карагани унча-мунча катталар истихола қиларди-ю, бизга ўхшаган эндигина тўртта ҳикоя ёзган ҳаваскорга йўл бўлсин!

– Ҳм, азизим? – деди Рустам ака иккиланиб турганимни кўриб, – шунақа эмас-да, энди. Ош тагига олиб кетади-я!

Гуриллаб ёниб турган оловга яқинлашаётган кишидек, секин домланинг дарвозаси томон юрдим. Эшикка бориб тўхтадим. Ўзимни зўрладим. Бўлмади. Оёқ илгари босмади.

Бироз туриб қайтиб келдим.

– Айтдингизми? – деди Рустам ака. «Йўқ» дегандек бош чайкадим.

– Қойил, – деб кулди Рустам ака, – тагин бу укам ҳажвий нарсалар ёзади. Юракдан ҳам берган экан. Бўпти, дастурхонни тузатиб тулинг, ўзим айтиб келаман.

Рустам ака лўмбиллаб чикиб кетди. Анчадан кейин Абдулла акани бошлаб келди.

Домлани кўриб, ўтирганлар дув кўзғалди Абдулла ака бош силкиб саломлашган бўлди, кейин тўр томонда тикка таъзим қилиб турган Александр Удаловга қараб мийиғида маъноли кулиб кўйдилар.

Шу ўринда адабиётга энди кириб келаётган ёшларга, умуман, янги авлодга Александр Удаловнинг кимлигини билдириб кўйишим керакка ўхшайди. Сир эмас, неча ўн йиллар мобайнида Ўзбекистон давлатигина эмас, хатто адабиётимиз ҳам собиқ Иттифок томонидан бошқариб келинди. Ўзбек ёзувчиларининг нимани ёзиб, нимани ёзмаслигига Масков аралашарди. Масалан, «босмачилар», деб тамға босилган ўзбек фидойилари ҳақида ёзилса, албатта, уларни ёмонлаб ёзиш керак. Ўтмишда ўзбек халқи фақат зулматда яшаган, унинг ёруғ кунни ҳам, жаҳоншумул тарихи ҳам бўлмаган, дунёга Беруний, Улуғбек, Навоийларни берган бу халқ илму фанни Европадан ўрганган эмиш ва ҳоказо. Удаловга ўхшаганлар ана шундай яккаҳоқимлик, аниқроғи, шовинистик мафқуранинг Тошкентдаги вакиллари эди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4371> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4371> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4371>